

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ОДОБ – ИНСОН ЗИЙНАТИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ОДОБ – ИНСОН ЗИЙНАТИ

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти

Тошкент – 2007

78.342

О – 31

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи

Н.Алаутдинова

Муҳаррир

Ҳ.Маматраимова

Масъул муҳаррир

О.Қиличбоев

Матн терувчи

З.Жалилова

Одоб – инсон зийнати: Метод.-библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Н.Алаутдинова; Муҳаррир Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.- Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2007.- 44 б.

КБК 78.342+87.77

Одоб-ахлоқ мавзусидаги пандномалар, ҳикматлар халқимизнинг қадимдан севиб мутолаа қиладиган маънавий озуқаларидан эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу методик-библиографик қўлланмада одоб-ахлоқ мавзусининг баъзи масалалари ёритилган ва ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳамда адабиётлар рўйхати берилган. Қўлланмадан кутубхоначи ходимлар ва кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2007 й.

СЎЗ БОШИ

*Одоб билан инсон иззат топади
Обрўю, шараф хизмат топади.
Одоб соҳиби-ла сўзлашган киши
Руҳига дармону лаззат топади.
Ҳасаний*

Сиз ҳар куни атрофингиздагиларга салом берасиз, катта-кичиклар даврасида ўтирасиз, меҳмон кутасиз, меҳмонга борасиз, устозлардан сабоқ оласиз. Зиёратга борасиз, хуллас, бир олам муносабатлар ичида яшайсиз. Аммо жуда оддий кўринган бу ҳаракатларнинг ҳам ўз одоби, нозик жиҳатлари бор. Буларга минг йиллардан бери ота-боболаримиз амал қилиб келганлар.

Ўтмишда яшаган машойихлар, уламолар, шоирлар, доно-ю фозил кишилар одамларнинг юксак ахлоқ ва маънавий поклик соҳиблари бўлишларини орзу қилганлар.

Ҳикматларда: “Одоб буюк тождир, уни кийгин-да, қайга борсанг боравер” дейилади. Ҳақиқатан ҳам одоб тожини кийган киши ҳеч ерда хор бўлмайди, қаерга борса, одамлар уни ҳурмат билан кутиб олади. Беадаб эса ҳамма ерда хордир.

Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг вазифаси китобхонларга одоб, беодобликдан келадиغان зарарлар, яхши фазилатлар, хуш хислатлар, саломлашиш ҳақида, суҳбат, анжуман, суҳбатдош, дўст, хушхулқлик ва одоб-ахлоқ мавзусининг бошқа масалаларини китоб тақдими, конференция, семинар, мавзули кеча, мунозара кечаси, викторина, китоб ва матбуотда чоп этилган мақолаларнинг кўргазмасини ташкил этиш йўли орқали ёритиб, тарғиб этишлари мумкин.

Бундай тадбирларни ўтказиш учун Республика “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вакиллари, Республика “Оила” илмий-амалий маркази психологлари,

педагоглар, социологлар, файласуфлар, филологлар, ёзувчилар, шоирлар, дин вакиллари ва журналистларни жалб этиш тавсия этилади.

Ушбу методик-библиографик кўлланмада одоб-ахлоқ мавзусининг масалалари ҳақида етарлича маълумот беришга ҳаракат қилинди ва кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилди.

“Ассалому алайкум!”

Нақадар жозибали, сеҳрли, талаффузи равон, жаранги майин ибора! Бу иборани тилдан ва дилдан айтиш билан Сиз рўпарадошингизни ёки Сизга пешвоз келаётган замондошингиз кайфиятини кўтарасиз, дилига хушнудлик бағишлайсиз.

У асли арабча сўз бўлиб, “сизга соғлик, омонлик, тинчлик тилайман” деган маънони англатади. Сиз салом берган киши ҳам Сизга “Ваалайкум ассалом” деб жавоб берса, буни ҳамма фарз деб билади, сизнинг кайфиятингиз уникидан ҳам баландроқ, дилингиз уникидан ҳам хушнудроқ бўлади.

Дарҳақиқат, инсонларнинг бундай ўзаро самимий бўлиш ва бир-бирига яхшилик тилаш одати дунё халқларининг барчасига хосдир. Гарчи уларнинг айтилиши, ёзилиши ва ижро аъъанаси бизнинг салом-аликимизга ўхшамасада, маъно ва моҳият жиҳатидан анча ўхшашдир. Европа халқлари салом-аликни сизга дуч келган пайтга, кун вақтига қараб қилишни яхши кўришади ва кунни учга бўлган ҳолда саломлашишади, масалан, испанлар (буёнас тардес, буёнас диас, буёнас ночес), инглизлар (гуд монинг, гуд дей, гуд ивнинг), немислар (гутен морген, гутен таг, гутен абенд), руслар (доброе утро, добрый день, добрый вечер) дейишади ва уларнинг маъноси “эртангиз”, “қунингиз”, “кечкурун-

ингиз” яхши, хайрли бўлсин деганидир. Булардан ташқари бу халқларда инглизча “хелло”, немисчада “халло” ёки “грус гот” (худойи салом), чехларда “ахой” каби умумий, куннинг истаган пайтида айтиладиган салом-алик турлари бор. “Хелло”, “халло”, “ахой” сўзларининг маъноси тарихда “бормисиз” деган маънони англатган. Биз телефонда гаплашганимизда “алло” дейишимизнинг боиси ҳам шу. Наинки, телефон суҳбати олдидан сўзлашувчини “алло” (Бормисиз, гўшакдамисиз?) ёки суҳбат тўхтаб қолса яна “алло” (Бормисиз, кетиб қолмадингизми?) деб қарши сўраб турамыз.

Итальянлар “салют” (соғ бўлинг, кўп яшанг), руминларда “сервс” (хизматингиздамиз), монголларда “менд” (соғ бўлинг) ёки “баяр” (хушвақт бўлинг), русларда “привет” (кут, барака тилайман) сўзларини хайрлашганда ҳам айтганлар.

Хитойлар “ни хао”, турклар “ийи гунлар”, греклар “калимера” ва африка Суматра ороллари томонида саломнинг “жамбо”, “салветте”, “хийве пейве” шакллари борки, уларнинг ҳам том маъноси бир-бировига соғлик, омонлик, куннинг яхши ўтишини тилашдир.

Энди салом-аликнинг келиб чиқишига тўхталадиган бўлсак, қадимда одамлар ер юзида анча сийрак яшашган. (Эрамиз бошида бутун дунёда 200 миллион аҳоли бўлганлиги тахмин қилинади. Ҳатто 17 асрда ҳам ер юзида жами 500 миллион аҳоли борлиги қайд қилинган). Улар, айниқса бир-бирига бегоналар, ногаҳон дуч келиб қолишса бир-биридан ўта ҳадиксирашган. Ёмон нияти йўқлигини билдириш учун саломлашишган ва салом-аликдан кейин бемалол ҳар ким ўз йўлида давом этган. Бегонани кўрганда урушиш нияти ёки ҳадиксираш кайфияти ҳалиям қонимизда бор. Мисол қилиб, ёш болалар бегона кўчага кириб қоладиган бўлишса, ҳеч бўлмаса боланинг кўрқиб ўтиши ёки шу кўча болалари билан албатта уришиб чиқиши одатларини келтир-

са бўлади. Шу фикрнинг давоми сифатида, катта-кичик, таниш-нотанишлар билан ўзаро саломлашилганда, иложи борича икки қўл билан, ёки жуда бўлмаса чап қўлни кўкракка тутиб, ўнг қўлни саломга узатиш фарзлигини айтиш мумкин. Чунки салом бераётган кишингиз Сизнинг иккала қўлингизда ҳам ҳеч нарса йўқлигини сезиб ёки кўриб туриши кераклиги жоиз ҳисобланилган. Зеро, чап қўлни киссага суқиб, ёки орқада ушлаб, саломлашаётган кишингизга фақат ўнг қўлни узатиш айб саналади. Наинки, фақат ўнг қўл билан саломлашаётган кишидан, у чап қўлини яшириб турибди, демак унда бирор нарса бор бўлиши гумони ва у чап қўли билан заҳмат етказиши мумкинлиги андишаси қилинган. Эътиборлиси шундаки, мазкур андиша ва кўркувлардан ҳоли бўлиш учун тибет халқининг бир тийраси саломлашганларида, икки қўлини осмонга кўтаришар ва тилини ҳам чиқазиб саломлашаётган кишисига кўрсатишар экан. Шу маънодаки, Сизга заҳмат етказиш учун қўлимда ҳеч нарсам (қуролим), тилимда ҳам ҳеч вақом (заҳарим) йўқ! Чунки, улар сўз билан ҳам рўпарадошига катта заҳмат етказиши мумкинлигини ва бу шикастнинг азоби жисмоний шикастга қараганда оғирроқ кечишини яхши билишган. Бу бизнинг “тиғ яраси битади, аммо сўз яраси битиши қийин” мақолимизнинг амалда кўринишларидан биридир.

Булардан ташқари, салом-алиқнинг дунё халқлари орасида турли анъаналари бор, масалан, қадимги хитойликлар бир-бирини кўрганда саломни икки қўлини кўкракка босиб, сал энқайиш билан ижро қилишган. Бу одат бизда ҳам бор, кичик болаларимизга бобоси, момоси ёки яқин қариндошларига салом беришда, боланинг икки қўлини кўксига босишини ва энқайишини талаб қиламиз. Лапландияликлар (шимолий Европа халқи) бурнини-бурнига тегизиб, лотин америкаликлар кучоқлашиб, французлар чаккаларини ўпишиб, самоалиқлар (Океания ороллари

халқларидан бири) ҳидлашиб (бу одат айрим ҳайвонларда бор) саломлашишади.

Биз юқорида саломлашиш қадриятларининг турли халқларда турли кўриниши борлиги ва уларни икки томон (салом берувчи ва алик олувчи)дан тўла ижроси ҳақида тўхталдик. Лекин ҳаёт тажрибамиздан биламизки, шулардан бир томон билмасдан (ёки билган ҳолда) салом бермаслиги ёки алик олмаслиги мумкин. Бундай эътиборсизлик, саломи жавобсиз қолган одамнинг кайфиятини албатта туширади, алик олмаган одам ҳақида турли хил гумон ва ёмон фикрларга олиб боради. Чунки салом бермаслик ёки алик олмаслик замондошлар орасида дўстона муносабатни (масалан: улар бир-бири билан саломлашмайдилар) бузилганлигини англатади. Зеро жанжаллашиб қолган пайтимизда ҳам ораловчилар “Кўйинг энди, ҳеч бўлмаса салом аликка ўрин қолдиришлар!” деб туришади. Саломингизга алик ололмай қолган пайтингизда, дўстлар “Хафа бўлманг, салом худо учун берилади (худойи салом), ҳечкиси йўқ!” деб (тўғри) маслаҳат беришади.

Бироқ салом-алик масаласидаги бундай ва шунга ўхшаш ноқулайлик туғдирувчи ҳолатларни ижобий ва самимий ечишни ота-боболаримиз жуда яхши уддасидан чиқишган эканлар. Улардан қолган нақлларда айтилишича, салом берган одам ҳам, алик олган одам ҳам ўз қарзини самимий бажаришгани учун бир савобдан олишар экан. Мабодо улардан биттаси узрли, узрсиз салом беролмай ёки алик ололмай қолса, унга гуноҳ ёзилиб, нариги одамга унинг савоби кўшиб ёзилар ва унинг савоби яна ошар (иккита) бўлар экан. Демак, энди у салом аликсиз қолгани учун хафа бўлмайди, балки иккита савоб “ишлагани” учун хурсанд бўлади ва сиз тўғрингизда ҳеч қандай яхши ёмон фикрларга бориб, бошини оғритиб ўтирмайди. Унга қолса, қани унинг саломига алик берилмаса-ю ва у кунда минглаб савоб топса!

Салом-аликнинг ана шундай исломий одоблари қадимий манбаларда, хусусан, ҳадиси шарифларда атроф-лича дарж этилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. ҳазратлари васиятлари шундайки, озчилик кўпчиликка, кичик каттага, уловда бораётган одам яёв одамга даставвал салом бериши фарз, ва алиқ саломдан қуюқроқ бўлиши керак. Озчиликнинг кўпчиликка аввал салом беришининг боиси, кўпчиликда қарам мавжудлигидир. От-уловдагининг пиёдага аввал салом бериши, унинг иқтисодий афзаллиги боис қибранмаслиги заруратидир. Кичикнинг каттага салом бермақлигининг боиси, иймон-эътиқодлари даражаси бир хил бўлганлари тақдирда, каттанинг кичикка нисбатан Аллоҳга ўз яхши амаллари ва Аллоҳ даргоҳига кичикдан олдинроқ бориши эҳтимоллигидандир. Алиқнинг саломга нисбатан қуюқроқ бўлиши зарурлигига боис, аввал салом берган одамнинг Аллоҳ олдида афзаллиги ва кўпроқ ҳурматга муносиблигидадир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. дан “Ё расулуллоҳ, ким олдин салом бергани маъқул, деб сўрашганида”, “кимнинг худодан умиди кўп бўлса, шу олдин салом бергани яхши” деб жавоб берганликлари ҳам ривоятларда таъкидланади. Бундан ташқари яна шу нарса талаб қилинадик, саломлашиш соф ва тўғри талаффуз асосида кечиши, яъни товушлар ютилиб қолинмаслиги керак, акс ҳолда рўпарадошингиз сизни бошқача тушуниши мумкин.

Кунларнинг бирида пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг душманлари ул зотга кесатик қилиб, “Ассому алайкум” деганлар, бу дегани яҳудий тилида “Сизга ўлим (тилайман)” деган маънони билдираркан ва бунга жавоб “Ваалайкум ассом” дейиш жоиз бўлган. Бироқ, пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. «Ваалайкум», яъни “Сизга ҳам” деб қўя қолганлар. Шунда у кишининг рафикалари “Ё расулуллоҳ, улар сизга “Ассому алайкум” деб ўлим тилашди-ку, сиз нега лойиқ жавоб қайтармадингиз?” деб

сўраганларида, ул зот ахир мен “Ваалайкум”, “сизларга ҳам” дедим-ку, деб эътироз билдирганлар. Бунинг маъниси, пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг душманларим “Ассалому алайкум” дейман деб, ихтиёрсиз хатолик оқибатида “Ассому алайкум” деб юборган бўлсалар, уларнинг асл саломларига берилган жавобга путур етмаслиги лозим, деган андишага борганликларидадир.

Энди хайрлашув анъанасига келсак, тилимиздаги “хайр”, “хўб” сўзлари форсий, “хўш” туркий, (“хўш” деганингдан билдим ўзбеклигингни!) бўлиб, барчага “яхши қолинг!”, умрингизни кейинги кунлари ҳам яхши бўлсин деган маънони англатади.

Одоб-ахлоқнинг баъзи масалалари

Адаб ақлнинг ташқи суратидир.

Шарқ ҳикмати

Маданият. Ҳар бир халқнинг ўз маданияти бор. Табиийки, ўзбек халқи ҳам бундан мустасно эмас. Бу маданият нимадан иборат бўлади? Маданият деганлари нима ўзи? Маданиятли халқ, маданиятли киши деганда нимани тушунамиз? Бу ҳақда, албатта, ҳар одамнинг ўз тушунчаси, қарашлари бор. “**Маданият**” арабча мадина (шаҳар) сўзидан келиб чиққан. Араблар кишилар ҳаётини икки турга: бирини бадавий ёки саҳроий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик кўчманчи ҳолда дашту саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик – шаҳарда ўтроқ ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган халқларга нисбатан ишлатилган.

Маданиятли киши – одобли киши дегани. У уч нарсага суянади: бири ҳалоллик, иккинчиси камтарлик бўлса, учинчиси инсофлиликдир. Чунки ҳалоллик, камтарлик ва инсофлилик устунлар ҳисобланади. Бундай одам, албатта

ўқимишли, назокатли, хушмуомала, кечиримли, сабр-бардош эгаси бўла олган шахсдир.

Муомала одоби. Маданийликнинг энг муҳим унсурларидан бири – муомала одобидир. У моҳиятан, ўзаро ҳамкорликнинг шаклларида бири. Инсон зоти бир-бири билан ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро тажриба алмашмасдан, бир-бирига таъсир кўрсатмасдан расмана яшаши мумкин эмас. Муомала одам учун эҳтиёж, зарурат, соғлом киши усиз руҳан қийналади, кайфияти тушиб боради. Бу ўринда буюк инглиз ёзувчиси Даниел Дефо қаламига мансуб машҳур “*Робинзон Крузонинг саргузаштлари*” асарини эслашнинг ўзи кифоя: Жумабойни топиб олган Робинзоннинг нақадар қувонишига сабаб ҳам ана шунда.

Муомала одоби бошқа кишилар кадр-қимматини, иззатини жойига қўйишни, анъанавий ахлоқий-меъёрий талабларни бажаришини тақозо этади. Шунинг баробарида, у инсондаги яхши жиҳатларни намоён этиш, кўзга кўрсатиш билан ҳам ажралиб туради. Унинг энг ёрқин, энг сермазмун ва энг ифодали намоён бўлиши сўз, нутқ воситасида рўй беради. Сўзлаш ва тинглай билиш, суҳбатлашиш маданияти муомаланинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Шу боис муомала одоби ўзини, энг аввал, ширинсуханлик, камсуқумлик, босиқлик, хушфёъллик сингари ахлоқий меъёрларда намоён қилади.

Муомала одобининг яна бир “кўзгуси”, бу – инсоний қараш, нигоҳ, сўзсиз новербал ҳаракатлар. Маълумки, одамнинг қарашада, юз ифодасида, қўл ҳаракатларида унинг қай сабаблардандир тилга чиқмаган, сўзга айланмаган ҳиссиёти, талаблари ўз аксини топади. Чунончи, суҳбатдошининг гапини охиригача эшитмай, қўл силтаб кетиш – муомаладаги маданиятсизликни англатади. Баъзан қараб қўйишнинг ўзи сўздан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади. Дейлик, бир қурувчи уста ўз шогирдининг хатти-ҳаракатларидан норозилигини билдириш учун бош чайқаб, жилмайиб қўйиши мумкин.

Иккинчи уста эса, бир лаҳза ўқрайиб қараш билан муносабатини ифодалайди. Биринчи уста юз ифодаси ва ҳатти-ҳаракати билан: “Оббо шоввоз-эй, сал шошибсан-да, ҳа майли, зарари йўқ, шунақаси ҳам бўлади” деган маънони англатса, иккинчи устанинг қарашидан: “Яна ишни расво қилибсан-ку, қачон одам бўласан?!”, деган сўзларни уқиш мумкин. Шубҳасиз, биринчи уста муомалада одобга риоя қилган бўлса, иккинчиси унинг акси – шогирдининг эмас, ўзининг одобсизлигини кўрсатмоқда.

Умуман олганда, муомала одоби кишиларнинг насихат қилмасдан ва одоб ўргатмасдан бир-бирига таъсири, тарбия ва ўз-ўзини тарбия этиш воситаси сифатида диққатга сазовордир. Шу сабабли ёшларимизда муомала одобини шакллантириш ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунда ота-онанинг, маҳалла-қўйнинг таъсири катта. Ундан фойдалана билиш керак. Зеро, ахлоқий комилликка эришиш муомала одобини эгаллашдан бошланади.

Этикет. Ахлоқий маданиятнинг яққол кўзга ташланадиган муносабатлари кўринишидан бири, бу - этикетдир. У кўпроқ инсоннинг ташқи маданиятини, ўзаро муносабатлардаги ўзини тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Агар муомала одобидан инсон ўз муносабатларига ижодий ёндошса, яъни бир ҳолатда бир неча хил муомала қилиш имконига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун фақат бир хил қоидалаштириб қўйилган ҳатти-ҳаракатни тақозо этади.

Этикетнинг қамрови кенг, у маълум маънода, халқаро миқёсда қабул қилинган муомалалар қонун-қоидаларини ўз ичига олади. Масалан, сиёсий арбоб этикети, меҳмондорчилик этикети ва ҳ.к. Этикетга риоя қилишнинг мумтоз намунасини биз тез-тез телевидение орқали кузатиб тураемиз. Президентимиз Ислам Каримовга хорижий мамлакатлар элчиларининг ишонч ёрликларини топшириш

маросимларини эсланг. Унда фақат бир хил ҳолат, халқаро миқёсда ўрнатилган қоида ҳукмрон. Уни Президентнинг ҳам, элчиларнинг ҳам бузишга ҳаққи йўқ. Ёки жуда оддий, кичкина бир мисол: дастурхонда тановул пайти, пичоқни ўнг қўлда ушлаш замонавий меҳмондорчилик этикетининг қатъий қоидаларидан бири саналади - уни бузиш атрофдагиларда ҳайрат ва истехзо уйғотади. Шу боис этикетни одат тусига айлантирилган, қатъийлаштирилган муомала одоби дейиш ҳам мумкин.

Этикет – тақаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини қувонтирадиган муомала ҳодисаси. Лекин, айти пайтда, у асл ахлоқий асосини йўқотган мажбурий мулозамат тарзида ҳам намоён бўлади: этикет қоидаларини бажараётган киши аслида ўз хоҳиш-ихтиёрига қарши иш кўраётган бўлиши ҳам мумкин. Бу жиҳатдан у мунофиқликнинг бир кўринишига айланади. Масалан, сиз бирор ёққа шошилиб, дарвозадан чиқдингиз, дейлик. Рўпарангизда танишингиз ёки кўшнингиз учрайди. Сиз кўришиб, ҳолаҳвол сўрашиб, сўнг шарқона этикетга риоя қилиб уни “Қани уйга қирамиз. Чой қиламиз, бир хангомалашамиз” деб ичкарига тақлиф қиласиз. Лекин, аслида, сиз унинг уйга киришини асло истамайсиз, вақтингиз йўқ, ҳатто, шу учрашганда кетган вақтингизни ўйлаб, питирлаб турибсиз. Демак, сиз ўз истагингизга қарши, этикет-мулозамат юзасидан ёлгон гапларни айтасиз, хунук эшитилса ҳам на чора – мунофиқлик қиласиз. Шунга қарамай, умуман олганда, этикет шахсни муайян тартиб-қоидага, қандай ички руҳий шароитда бўлмасин, босиқликка, мулойимликка ва сабртоқатга ўргатиши билан аҳамиятлидир.

Меҳмон ҳам, мезбон ҳам ўзлари. Ўзбек уйига меҳмон келса, ўтказгани жой тополмай қолади. Топган-тутганини у билан баҳам кўради. Ўзидан, бола-чақасидан аяган ноз неъматини меҳмонга раво билади. Чиндан ҳам,

халқимизда меҳмонга бориш ва меҳмон кутиш бобида ўзига хос маданият шаклланган.

Меҳмон келган куни уйдаги араз-гиналар унутилади. Унинг олдида фарзандларга қаттиқ гапирилмайди.

Ҳар бир элнинг анъаналари, турмуш тарзи бошқаларникидан фарқ қилади. Дунёнинг айрим мамлакатларида уй эгаси меҳмонини, нари борса, бир финжон қаҳва, бир лукма ширинлик билан сийлашини яхши биламиз. Бизда эса, бутунлай бошқача. Меҳмонни кутиб олишдан то кузатиб кўйгунгача қанча-қанча расм-русумларни адо этамиз.

Меҳмонни иззат қилиш барча шарқ халқари учун хос. Ривоятга кўра, араб халифаларидан бири Муъйин ибн Зоиднинг ҳузурига урушда асир тушган бир тўда ғаним аскарни олиб келишади. Ҳукмдор узоқ ўйлаб ҳам ўтирмай, уларни қатл этишга буюради. Шунда асирлардан бири ўлимидан аввал барчага бир қутлумдан сув беришни сўрайди.

Унинг бу талаби қондирилгач, бояги асир дейдики: “Ҳукмдор, сен бизни сув билан меҳмон қилдинг. Меҳмонни ўлдириш эса мардлик таомилига зиддир”. Сохиби тож унинг ақлига таҳсин ўқиб, асирларни авф этади. Нон берган жон олмайди деб шунга айтсалар керак-да.

Мана, меҳмоннинг қадри қанчалар юксак! Биз ана шундай эзгу фазилатларга эга халқ ворисларимиз. Бинобарин, тарихий қадриятларимиз қанчалик ҳикматга кон эканини англашимиз, уларни кундалик ҳаёт тарзига айлантиришимиз зарур.

Тўғри, бугунги кунда ҳам меҳмондўстликни унутиб кўйганимиз йўқ. Уйига таниш-билиши, айниқса, “нозикроқ” меҳмон келадиган бўлса, босар тусарини билмай қоладиганлар оз эмас. “Олий мартабали” меҳмонлар, казо-казолар шарафига уюштириладиган дабдабали зиёфатларни айтмаса ҳам бўлади. Кайф-сафо авжига чиқадиган бундай давраларда шарқона меҳмоннавозлик одобини кўриш мушкул.

Энди, буни миллий кадрятларимиздан узоклашиш, дея баҳоланса, тўғри бўлар. Зеро, фозил ажодларимиз ҳар қандай дабдабасозлик, исрофгарчилик, бировга яхши кўри-ниш мақсадида қилинадиган зиёфатларни қатъий қоралаган-лар, меҳмондўстлик мезони дастурхоннинг эмас, кўнгилнинг ободлиги билан белгиланади.

Бу умумбашарий анъананинг асл моҳияти келган-кетганининг олдида топган-тутганни кўз-кўз қилишда эмас, кўни-кўшни, қариндош-уруғ, ошна-оғайни, ёр-дўст ораси-даги меҳр риштасини янада мустаҳкамлашда эканини унутиб қўймаслигимиз керак. Чунки, яқин кишиларнинг тез-тез бир-бирини йўқлаб туришларида ҳикмат кўп.

Кексаларнинг айтишича, аввалги пайтларда меҳмондорчиликдан мақсад еб-ичиш бўлмаган, тез-тез йиғилиб турган ота-боболаримиз маърифий суҳбатлар қуришган, қиссахонлик, ғазалхонлик қилишган. Ҳазил-ҳузул, аския-бозлик бўлган. Афсуски, ана шундай гўзал кадрятлар унутилиб бораётир.

Донолар айтадиларки, дунё бир меҳмонхона, унинг меҳмони ҳам, мезбони ҳам одамлар. Шундай экан, барчамиз бир-биримиздан иззату ҳурматни, меҳру мурувватни дариф тутмаслигимиз лозим.

Табассум. Юзлаб одамлар ўтиб-қайтаётган гавжум кўчадан боряпсиз. Демак, манзилга етгунигизгача танишу нотаниш чехраларга кўзингиз тушади. Ана шунда сиз уларга очик юз билан, жилмайиб боқинг. Кўрасизки, шу беозор табассумингиз туфайли юзлаб одамларнинг кайфияти кўтарилади. Ишонмайсизми? У ҳолда айтингчи, бир лаҳзалик табассумнинг баҳоси қанча туради? Жуда ғалати савол, шундай эмасми? Жавоб қилишга шошилманг. Фақат кейинги кунларингизни бирровгина хотирланг. Кайфиятингиз чоғ, юзларингиз кулгудан чарақлаб турган кезларингизда уззукун омад сизга ёр бўлганини эсланг. Ахир ўша кунда ён верингиздаги кишилар ҳам меҳр билан боқишгани ростку.

Афсуски, бундай кунлар ҳаётингизда жуда оз... Нима учун шундайлигини биласизми? Агар бу ҳақда ўйлаб кўрганингизда эди, турмушингиздаги кўпгина муаммолар ўз ечимини топган бўлур эди. Масалан, қайси муаммолар? Ҳасрат, омадсизлик, қайғу ва ноҳақлик, жанжалли воқеалар... Аслида бундай нохушикларнинг чеку чегараси бормикан? Сиз Гегель фалсафасини бир эсланг... Ҳаёт азалдан бахтиёрлик ёхуд бебахтлик учун мослаштирилган эмас.

Аксинча: *“Ҳаётимиз қандай бўлиши сизу бизнинг унга қандай маъно бахш этишимизга боғлиқ”* дейди у. Кулгусиз ўтган кунларимизда нима учун омад биздан йироқлашганини энди тушунаётгандирсиз?

Ўйлаб қарасак, эндиликда бизнинг табассумларимиз нақадар қиммат туради! Уни ҳамма ҳаммадан, ҳатто ўзимиздан-да қизғонамиз. Хушчехралик билан эмас, аксинча жиддийроқ туриб иш юритишни маъқул кўрамыз. Жиддиятимиз гоҳо ғазабга айланади-ю, ўзимизга калтак бўлиб қайтади. Даниялик машҳур рассом шу каби ҳолатни бир неча расмларда усталик билан тасвирлайди. Нимадандир ғазабланган бошлиқ ёрдамчисига захрини сочади. Шунда ёрдамчи ҳам хизматчилардан бирини қаттиқ қойийди. Хизматчи ишлаб ўтирган машинисткани урушиб беради, машинистка эшикда ўтирган қоровулдан аламини олади. Бекордан бекорга гап эшитган қоровул оёғи остида ётган кучукни тепиб юборади. Кучук ўз эгасини қопишга ботинолмай, хонасидан чиқиб келаётган бошлиқнинг оёғини тишлаб олади. Шундай қилиб, бу ғавғонинг бош сабабчиси бежазо қолмайди...

“Табассум бир лаҳзада пайдо бўлади,- дейди машҳур психологлардан бири. Инсон юзидаги илиқ табассум билан ҳар қандай давранинг азиз меҳмонига айланади!”

Сиз қандай даврада бўлманг, ёнингиздагилардан табассумингизни дариг тутманг. Уларга жилмайиб нигоҳ ташланг. Зеро лаҳзалик табассумингиз чехраларда қотган

музларни дарров эритиб юборсин. У меҳрдан тузилган гулшодалар янглиғ кўнгилларга сочилиб кетсин.

Аслида борлиқ бизнинг табассумларимиз билан гўзал. Ҳаёт эса табассумлар билан янада азиз, қадрли.

Батаргиблик-қироллар одобининг ойнаси

Дастурхон атрофида ўзини тутуш қоидалари

1. Таклиф этилмаган жойга борманг.
2. Таклиф этилган жойга кечикмасдан боринг.
3. Мезбонлар таклиф этмагунча дастурхон атрофига келманг.
4. Меҳмонлар дастурхон атрофига ўтирганларидан сўнг таништиришни тўхтатинг.
5. Дастурхондан узоқ ҳам, яқин ҳам ўтирманг.
6. Сочикча билан олдингизни тўсиб олманг.
7. Овқатланаётганингизда таомни чапиллатманг ва пуфламанг.
8. Шўрвани қошиқ учидан ичманг, кўшимча овқат сўраманг.
9. Дастурхон атрофида гавдангизни тик тутинг.
10. Пичоқ билан овқатланманг, уни оғзингизга солманг.
11. Нонни бутунича еманг, бўлақларга бўлиб тановул этинг.
12. Оғзингизни тўлдириб овқатланманг.
13. Шошилмасдан овқатланинг.
14. Тирсақларингизга таянманг ва кенг қўйманг.
15. Санчки билан ейиш мумкин бўлган нарсани қошиқ билан еманг.
16. Оғзингиздаги суякни тарелкага оҳиста санчки билан олиб, тарелкага қўйинг.
17. Қўшнингиз тақсимчаси устига эгилманг.
18. Сочикча билан юз-бурнингизни артманг.

19. Ким биландир сўзлашмоқчи бўлсангиз ҳам, кўшингизга орқа ўтирманг.

20. Ўнг тарафингиздаги аёлга хизмат ва эътибор қилишни унутманг.

21. Оғизда овқат бўлганда гаплашманг.

22. Катталар ва аёллар ўрнидан турганида, дастурхондан туриб, улар хонадан чиқиб кетганидан кейингина ўрнингизга ўтиришни унутманг.

23. Стулда ястаниб, ялпайиб ўтирманг, столга тирсақларингизни кўйманг.

24. Дастурхон атрофида ўз хасталиқларингизни сўзламаманг.

25. Мезбон овқатланишни меҳмонлардан сўнг тугатиши лозим.

26. Дастурхон атрофида хуштак чалиш ва хиргойи қилиш одобдан эмас.

27. Коса ва тарелкадан ичманг.

28. Сариёғни ноннинг бир бўлагига суртиб, ўз тарелкангизга кўйинг.

29. Дастурхон атрофида мутолаа қилманг.

30. Ҳамма овқатланиб бўлмасдан ўрнингиздан туриб кетманг.

Кундалиқ турмуш тарзи қоидалари

1. Доим озодаликка риоя қилинг.

2. Кўчага чиқишдан аввал пойафзални артиб чиқиш.

3. Уйга қайтганда кийим ва пойафзални тозалаб кириш.

4. Халат ва уй пойафзалини фақат уйда кийиб юриш.

5. Юрганда букилмай ва гердаймай юриш.

6. Сабабсиз хохолаб кулмаслик. Камтарона майин жилмайиш.

7. Уйда, кўчада ва жамоат жойларида хуштак чалмаслик, сўкинмаслик.

8. Дастурхон атрофида ва даврада, дастурўмолга бўлса ҳам қаттиқ бурун қоқмаслик. Яхшиси ташқарига чиқиш.

9. Аудитория, коридор ва ётоқхонага сигарета чекиб кирмаслик.

10. Бегона уйга тақиллатиб ижозат сўраб кириш.

11. Катталар ва аёлларга биринчи бўлиб қўл узатмаслик, улар қўл узатсагина қўл бериб кўришиш.

12. Бошқалар таклиф этмагунча ўтирмаслик.

13. Ашула айтиб бериш ёки мусиқа чалиб беришни илтимос қилишса, қўлдан келса рад этмаслик.

14. Хонага катта ёшдагилар ва аёллар кирганда ўрнингиздан туриш.

15. Сухбат чоғида саҳбатдошингиз эътиборини туртиб эмас, сўз билан тортиш.

16. Даврада пичирламаслик. Ёлғон сўзламаслик.

17. Сухбат мавзусига ёт бўлса, даврада ўз хасталикларини айтмаслик.

18. Сухбатдош сўзини бўлмасдан, унга қараб эътибор билан эшитиш.

19. Катталар ва аёлларни ўзидан олдин ўтказиб юбориш.

20. Транспортда зийрак бўлиш. Катталар ва аёлларга жой бериш.

21. Ўқитувчи ва танишларни кўрганда салом бериш.

22. Доимо сертакаллуф бўлиш, кечирим сўраш, миннатдорчилик, яхшилик қилишни унутмаслик.

23. Маданиятли, тарбия кўрган одам ёлғон сўзлаши, кўрслик қилиши, сўқиниши ва муштлаши мумкин эмаслигини эсда сақлаш.

24. Чиройли, шинам кийинган одам тарбияли ва маданиятли бўлиши ва, аксинча, тарбияли ва маданиятли

одам чиройли ва шинам кийинган бўлишини (қимматбаҳо бўлиши шарт эмас) унутмаслик.

Ғарб файласуфлари одоб-ахлоқ ҳақида

- Ҳовлиқмасдан сўзла, шошилиш ақлсизлик белгисидир.

(Приеналик Биант)

- Одамлар! Энг аввало эзгу ахлоққа эга бўлишга ҳаракат қилинг, зеро ахлоқ қонуннинг асосидир.

(Пифагор)

- Тартиб сенинг муқаддас мақсадинг бўлсин. Сен бу мақсад йўлида астойдил хизмат қил. Чунки тартиб ҳамма нарсанинг мажмуасидир. Табиатнинг мавжудлиги асосида ҳам тартиб ётади.

(Пифагор)

- Кўз қулоққа нисбатан ишончлироқ гувоҳдир.

(Буқрот)

- Муҳаббат ҳамма нарсани бирлаштиради. Адоват эса ажратади.

(Эмпедокл)

- Ёшларга кўзгуга кўпроқ боқишларини маслаҳат бераман, токи уларнинг хушсуратлари ўз хуснларини шарманда этмасинлар, бадбашаралари эса хунуқликларини одоблари билан безасинлар.

(Суқрот)

- Инсонлар ўртасидаги ўзаро меҳр-муҳаббат ўзгалар мулкига, хонадонига худди ўзиники каби муносабатда бўлиб, ҳар бир кишини ўзини тушунгандек тушунишга ўргатади.

(Мо-Ди)

- Сўз амалнинг сояси.

(Демокрит)

- Ўта кўпол сўзлаётган бир одамни кўриб Демокрит шундай деган экан: Бу одам сўзлай олмасликни уддаларкан-у, аммо сукут сақлашни эплай олмас экан.

(Демокрит)

- Манманликдлан ортиқ адабсизлик бўлмайди.

(Китийлик Зенон)

- Ёмон тарбия кўрган одамдаги жасорат-дағалликка, билимдонлик - майдакашликка, заковат-масхарабозликка, очиқ кўнглиллик - мунофиқликка айланади.

(Жон Локк)

- Чин хушмуомалаликка айнан бурч сифатида қаралмоғи жоиз.

(Гегель)

- Ахлоқийлик мажбуриятни келтириб чиқаради. Кейинчалик у одатга айланади, ундан сўнгроқ эса у ихтиёрий итоаткорлик ва ниҳоят табиий майлга айланади.

(Ницше)

- Дағаллик ва зўравонлик 2 фоиз муваффақият келтирса, мулойимлик ва ҳожатбарорлик 20 фоиз муваффақиятни таъминлайди.

(В.В.Розанов)

- Агар сиз одамлар билан қандай муомалада бўлиш, ўзингизни қандай бошқариш ва қайси йўл билан фазилатларингизни камолга етказиш ҳақида аъло маслаҳатлар олишни истасангиз, Бенжамин Франклиннинг таржимаи ҳолини ўқинг. Бенжамин ўз хотираларида ўзидаги энг катта қусур – баҳслашиш одатини қандай қилиб йўқотганини ва Америка тарихидаги энг билимдон, одобли, фаросатли одамга айлангани ҳақида ҳикоя қилади.

(Дейл Карнеги)

Ислом одоб ҳақида *Қуръони Карим оятлари*

Эй, имон келтирганлар! Ўзингизниқидан бошқа уйларга ўзингизни танитмасдан, изн сўрамасдан ва хонадон аҳлига салом бермасдан кирманг. Шундай қилсангиз ўзингизга яхши бўлади, буни ёдингизда тутарсиз. Хонадонда ҳеч ким бўлмаса ҳам, рухсат тегмагунча кирманг. Агар кимдир сизга “Қайтинг (кирманг)!” деса, қайтинг (кирманг). Шунда ўзингизга муносиб иш тутган бўласиз. Аллоҳ нима қилаётганингизни билади. Ҳеч ким яшамайдиган уйда бирор юмушингиз бўлса, (изн сўрамасдан) киришингизнинг айби йўқ. Аллоҳ ошкор қилаётган ва пинҳон тутаётган ишларингизнинг ҳаммасини билади (“*Ан-нур*”, 27-28).

Сизга салом берилса, сиз ундан яхшироқ ёки ўшандай алик олинг (“*Ан-Нисо*”, 86).

Раҳмоннинг (суюкли) бандалари шошмасдан, салобат билан юрадилар (“*Фурқон*”, 63).

Одамларни менсимасдан афтингни буриштира, гердайиб юрма. Кеккайган, гердайганларни Аллоҳ суймайди (“*Луқмон*”, 18.)

(Бировдан айб қидириб) жосуслик қилманг! Бир-бирингизни ғийбат ҳам қилманг! Ўлган биродарингизнинг гўштини ейиш ёқадими? (Ахир) бундан ҳазар қиласиз-ку! (“*Ҳужурот*”, 12).

Гумон ҳеч қачон ҳақиқат ўрнини боса олмайди. (“*Юнус*”, 36).

Ҳадиси шарифлар

-Киши мусулмон биродарини учратганида “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ” десин.

-Биринчи бўлиб салом берадиганлар Аллоҳ наздида яхши одамлардир.

- Қўл бериб кўришинг ўртангиздан адоват кетади. Бир-бирингизга ҳадялар бериб туринг меҳрингиз ортади, гина-қудрат бўлмайди.

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

- Художўйлигингизни ҳеч кўйманг! Бирор ёмонлик қилиб кўйсангиз, албатта уни ювадиган яхшилик ҳам қилинг! Одамлар билан муомалада хушфеъл бўлинг.

Мусулмоннинг биродари олдида олти бурчи бор.

- Улар қайсилар, Расулulloҳ?

- Учрашганда салом бериш, чакирганида бориш, сўраганида маслаҳат бериш, акса уриб “алҳамдуллилаҳ” деса “ярҳамука-л-лоҳ” деб ташмит айтиш, бетоб бўлса, зиёрат қилиш, вафот этса, жанозасида қатнашиш.

- Кечиримли бўл, сенга ҳам кечиримли бўлишади.

- Кичигимизни иззат, каттамизни ҳурмат қилмаган бизнинг умматдан эмас.

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

- Биродарингга кулиб боқшинг – садақа, яхшиликка ундаб, ёмонликдан қайтаришинг – садақа. Адашган кимсага йўл кўрсатишининг – садақа. Сенга ёмон кўз билан қараган кишига яхши кўз билан қарашинг – садақа. Челагингдаги сувингдан биродарингга қуйиб беришинг – садақа.

- Мусулмон-мусулмонга биродар. Биродари билан олди-сотди қилганда молининг нуқсонини айтиб кўймаслик ҳалолликдан эмас.

- Ҳар диннинг ўзига хос хусусияти бор. Мусулмонликнинг хусусияти – шарм-ҳаё.

- Ҳаё ва камгаплик имондандир, оғзи шалоқлик ва сергаплик эса – мунофиқликдан.

- Уч киши бўлсангиз, иккитангиз бир-бирингиз билан шивирлашманг. Учинчингизга оғир ботади.

- Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган киши яхши гапни гапирсин ё сукут сақласин; кўшнисини ҳурмат қилсин; меҳмонга иззат-икром кўрсатсин.

- Расулulloҳ (с.а.в.) эркак кишининг икки аёл ўртасида юришини тақиқлаганлар.

- Зинҳор йиғинда ўтирган биродарингизни турғазиб ўрнига ўтирманг.

Расулulloҳ (с.а.в.):

- Қалбида заррача кибру ҳавоси бўлган киши жаннатга кирмайди,-дедилар.

Бир киши сўради:

- Одам чиройли кийим, яхши пойафзал кийиб, ясаниб юришни яхши кўрса-чи?

Аллоҳ ўзи гўзал ва гўзалликни суяди. Кибру ҳаво эса гердайиш ва одамларни менсимасликдир, -дедилар.

- Йўлда ётган тикан, шохни олиб ташлаган кишидан Аллоҳ мамнун бўлади ва унинг гуноҳларидан кечади.

Шарқ назокатни талаб қилади

- Кўшни ким ва қайси миллат бўлишидан катъий назар уни ҳурмат қилмоқ ва кўшни ҳақ-хуқуқини адо қилмоқ одамийлик хислатларидан биридир. Кўшни итига сабабсиз тош отиш, мушугини ҳайдаш эса уни ҳақоратлаш билан баробардир.

Бир киши ўз дўсти олдига келиб, уйда сичқон кўплигидан шикоят қилди. Дўсти унга мушук боқишни маслаҳат берди. У рози бўлмай: “Мушук боқсам, уйимдаги сичқонлар кўшнимникига қочиб чиқармикан, деб кўркаман”,- деди. Ўзинг учун нимани нолайиқ деб хисобласанг уни ўзга учун ҳам раво кўрма.

(Муҳаммад Жавҳар Заминдор)

- Яхшилар суҳбатини излаб, фиску фужур аҳлидан қоч, сабр қил, шошқалоқликни одат қилма, сирингни ҳар кимга айтма, молингни чегараси билан харж қил

(Махзан ал-улум)

- Одамларга ҳурмат кўзи билан боқмоқ ва раҳм кўзи билан қарамоқ ақллилик ва донолик белгисидур

(Муинниддин Жуайний)

- Мулойимлик ризқ сари етакловчи калит!

(Муҳаммад Зеҳний).

- Ҳилм тиғи пўлат тиғдан ўткирроқ.

Ҳилм юз лашкарни енгар беяроқ

(Жалолиддин Румий)

- Етишиши қийин бўлган нарсаларингга қандай

қилиб етишдинг?

- Душманларимга очиқ юзли бўлиш, дўстларимга эса яхшилик қилиш билан!

(Жовидони Хирад)

- Софдиллик, хушхулқлик булар ҳаммаси

Билгинки одобнинг берган меваси.

(Бархудар ибн Маҳмуд)

- Агар сизнинг қадру мартабангиз ортиб, амалга

минсангиз, ўзингиздан кичикларнинг хизматини ерда кўйманг ва барча ишларни адолат юзасидан адо қилинг

(Муҳаммад Ҳусайн)

- Қаердаки одамнинг қадри бўлмаса, сўзламай

жим ўтиргани маъқул.

(Хуррабий)

- Меҳмонларнинг олдида ўз яқинларингни

уришма, табассум қилиб ўтир, очиқ юзлилик киши учун катта неъматдир.

(“Фавоқиҳ ал жуласо”)

- Меҳмонга борсанг уй эгаси кўрсатган жойга

ўтир, нима келтирса индамай егин, мезбон ташқарига чикса ўрнингдан турма, рухсатсиз нарса қидирма, гоҳ уни, гоҳ бунни ушлайверма, аммо китоблари турган бўлса кўриш мумкин.

(“Фавоқиҳ ал жуласо”)

- Меҳмонда улуғ одамлар ўтирган бўлса овқатга улардан олдин қўл узатма, овқат олиб чиқадиган томонга қарайверма.

(“Фавоқиҳ ал жуласо”)

- Меҳмон хотин-қизлар кириб чиқадиган томонга қараб эмас бошқа томонга қараб ўтиргани яхшироқ. Уй соҳибининг руҳсатисиз айтилмаган ёки нотаниш одам бошлаб келинмайди. Агар соҳиби хона ишончли ва синалган киши бўлса унда бунинг йўриғи бошқа. Ўтиришга киргач ён веридаги кишилар билан ҳол-аҳвол сўралади.

(Маҳмуд ибн Муҳаммад)

- Кимки бировни унда йўқ яхши сифатлар билан мактаса бу мактов эмас, балки ҳажв, яъни унинг устидан кулиш билан баробар.

(Муҳаммад Ҳусайн)

- Бир киши олдинга келиб, бировни ғийбат қилса, уни рост айтаяпти деб ўйлама. Балки уни бу феълдан қайтар. Ўзинг ҳам бундай сўз ва феълдан ҳазар қил.

(Муиниддин Жувайний)

Суҳбат аҳлларининг одоби зоҳирлари баёнида-ки, барчаси ўн олти адабдир

Аввалги адаб-шогирд устознинг суҳбат ва хизматида тавозе билан қуйироқ жойда ўтиради. Агар устози юқорига ўтишни буюрса, ўша жойга ўтади, ҳаттоки катталардан ҳам юқоридаги жой бўлса ҳам, ўтиришда беҳуда ҳаракатлар қилмай намозда ўтиргандек оромда ўтиради.

Иккинчи – мажлисда буйруқ-қайтариқларга ҳушёр туриб, уларни жону дил билан қабул қилади, амалга оширади.

Учинчи – устознинг сўзларига яхшилаб қулоқ солиб ўтиради ва унга амал қилиш учун сўзларни хотирасида яхши сақлайди.

Тўртинчи – агар устози ўзидан қолган таомни берса, унга ҳеч кимни шерик қилмай, ўзи танҳо тановул қилади.

Бешинчи – устоз билан сўзлашмоқчи бўлса, устознинг гапни эшитишга вақти борми-йўқми яхшилаб англаб, орага гап сиғмаслигига ақли етса, ўзини тияди. Агар имкон топилса, қисқа ибора билан мақсадини англатади.

Олтинчи – сўзлаган чоғда устозга оҳиста ва мулойим сўзланади.

Еттинчи – устознинг хизмат ва суҳбатларида хомуш бўлинади, хусусан, агар бир жойга бормоқчи бўлса “Қаерга борасиз?” деб сўрамайди. Барча ишларда шу тарика хомуш бўлади.

Саккизинчи – барча ихтиёр устозга топширилади. Шогирд устознинг изн ихтиёрисиз, ҳаттоки еб ичишда ҳам бир иш қилмайди.

Тўққизинчи – агар зарурат туғилса ҳам устоз билан кенгашсиз ҳеч иш қилинмайди.

Ўнинчи – агар устоз шогирдга маслаҳат-кенгаш ташласа, “ўзингиз яхши биласиз”, деб айтади, ўз раъй ва тадбирларини тезгина изҳор қилмайди.

Ўн биринчи - устознинг хилватхоналарига беизн кирилмайди. Агар заруратан кирилгудек бўлса, устози ўтирадиган жойга ўтирмайди, шунингдек устознинг дўпписи, пойабзали ва бошқа кийимларини киймайди.

Ўн иккинчи – бир хонада устози билан ҳамроҳ бўлиб ухламайди, агар буюрилса, одобга хилоф эмас. Лекин оғир ухламай, хушёр бўлинади.

Ўн учинчи – устозга мутойиба ва мазах қилинмайди, унинг ҳузурида ўзга кишиларга ҳам ҳазил қилинмай, ўзни суҳбатдан мутлақ сақланади.

Ўн тўртинчи – устоз ҳузурида фазл изҳор қилинмайди.

Ўн бешинчи – устоздан бирон хулоса-ҳукмга тушунтириш ва изоҳ талаб қилинмайди.

Ўн олтинчи – агар беодоблик содир бўлиб қолса ва мушоҳада билан устоз унга ғазаб қилмаса, унинг макридан сақланиб юрилади. Англасин ва яхши билсинки, устоз макр қилса, шогирдидан ҳеч иш кутмас, макр аломати раддир, агар мулоҳаза қилса, хушнуд бўлинг-ки, қабул аломатидир.

“Одобдан фалак нур олар” номли викторина

(Викторина ўтказилаётган залда одоб-ахлоқ мавзусидаги китоб кўргазмасини ташкил этиш тавсия этилади)

Ўйин шарти

Қатнашувчилар:

Бошловчи (1ёки 2)

4 кишидан иборат 2 та команда

Ўйинда 4 кишидан иборат икки команда иштирок этади. Кўп очко тўплаган команда ғолиб деб топилади. Ўйин 3 та турда: 1, 2 ва якунловчи “ўз ўйининг” тарзида ўтказилади.

1-турда 3 та мавзу бўлиб, ҳар бир мавзуда 4 тадан савол берилган. Саволнинг мураккаблигига қараб баллар белгиланган. Тур барча саволлар ўйналиб бўлгунга қадар давом этади. Жавоби ўйналиб бўлинган карточкалар таблодан олиб қўйилади.

2-тур ҳам худди 1-тур каби ўтказилади, фақат жавобнинг баллари 2 баравар юқори қилиб белгиланади.

Якунловчи “ўз ўйининг”да битта мавзу таклиф этилади. Ҳар иккала команда иштирокчилари савол нархини ўзлари белгилайдилар ва уни карточкага ёзиб бошловчига берадилар. Жавобни бошқа карточкага ёзиб уни ҳам бошловчига узатадилар *(белгиланадиган нарх йиғилган очколардан ошиб кетмаслиги керак)*. Агар жавоб тўғри бўлса команда аъзолари карточкага ёзиб берилган очкони

ютиб оладилар, жавоб нотўғри бўлса карточкадаги сон аввалги йиғилган очколардан олиб ташланади.

Ўйин аввалида (*1-тур*) команда мавзулардан бирини танлайди ва саволнинг рақамини танлайди. Бошловчи ушбу рақамдаги саволни ўқиб беради. Жавобни қайси команданинг ўйинчиси биринчи бўлиб топса, команда эмблемасини кўтаради. Тўғри жавоб учун командага саволнинг очкоси тақдим этилади, нотўғри бўлса очко олиб ташланади. Кейинги саволга ўтиш ҳуқуқи тўғри жавобни берган командага берилади. Ҳар 2 турда “**Ўз ўйининг**” саволи жой олган. Агарда ўша савол ўйналадиган бўлса, бошловчи жавоб ҳуқуқини тўпланган очколар ҳисобидан харид қилишни таклиф этади. Командалардан қайси бири кўпроқ нарх таклиф этса жавоб бериш ҳуқуқини кўлга киритади. Жавоб учун барча тўпланган очколар қўйилса, савдо қилиш тўхтатилади. “**Таваккал**”га борган команда жавоб ҳуқуқини кўлга киритади.

Ўйин схемаси:

1-тур

Фозил одамлар шаҳри	5	10	15	20
Боқий сатрлар	5	10	15	20
Дунё кенг...	5	10	15	20

2-тур

Ибратланиш-инсон зийнати	10	20	30	40
Ҳикматлар бўстонида	10	20	30	40
Тарки одат амримаҳол	10	20	30	40

3-тур

“Ўз ўйининг” Ғалаба нашидаси

Фозил одамлар шахри

1. Маданият сўзининг келиб чиқиш тарихи хақида сўзлаб беринг ?

(“Маданият” арабча мадина (шаҳар) сўзидан келиб чиққан. Араблар кишилар ҳаётини икки турга: бирини бадавий ёки саҳроий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик – кўчманчи ҳолда даишу саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик – шаҳарда ўтроқ ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган халқларга нисбатан ишлатилган).

2. Этика сўзини таърифлаб беринг?

(Этика бу-(юн. ethos – хулқ, одат) – ахлоқ ва унинг шахс ҳамда жамият ҳаётидаги ўрнини ўрганувчи фалсафий фандир).

3. Эстетика терминини қайси файласуф илмий муомалага киритган? (ўз ўйининг)

(Эстетика (юн. aesthetikos- ҳис қилувчи, ҳиссий тарбияга доир) “Эстетика” терминини немис файласуфи А.Баумартен (1714-1762) илмий муомалага киритган).

4. Этикет деганда нимани тушунасиз?

(“Этика” ва “этикет” сўзларининг маънолари бири-бирига яқин бўлиб, жамият, ижтимоий гуруҳлар қабул қилган ўзаро муомала қоидалари мажмуидир.

Этикет кундалик ҳаётда, ишда, ўқишда, кўчада, меҳмондорчиликда, турли расмий тадбирларда ўзини тўғри тутуши ва яхши таассурот уйғотишини ўргатади. У киши мавқеини кўтаради ва барқарор ушлаб туришга ёрдам беради).

Боқий сатрлар

1. *Бир ғариб кўнглини эта олсанг шод,
Яхшидир ер юзини қилгандан обод.
Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг,
Афзалдир юз қулни қилмоқдан озод.
Ушбу байтнинг муаллифи ким?
(Ушбу байтнинг муаллифи Умар Ҳайём).*

2. Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас.
Не баҳра топқамен ондинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрае андин тилармен, баҳраманд этмас.

Ушбу байтнинг муаллифи ким?
(Ушбу байтнинг муаллифи Алишер Навоий).

3. Сўйласанг сўйла яхши сўзлар...,
Йўқса жим турмогинг эрур яхши.
Ўйласанг яхши фикрлар ўйла,
Йўқса гунг бўлмогинг эрур яхши.
Ишласанг, ишла яхши ишларни,
Йўқса, бекорлиг... эрур яхши.

Тушиб қолдирилган қўшимчаларни топинг?
(дан, инг,).

4. Дилимиз алам... қайзуга тўлса,
Ширин сўздан яхши қандай даво бор...
Танамиз... ёқар майин шаббода,
Дил чигалин ёзар, суҳбату бозор.

Тушиб қолдирилган тиниш белгиси ва қўшимчаларни топинг?

(дан, ? га).

Дунё кенг...

1. Гуманизм сўзини изоҳлаб беринг?

(Гуманизм (лот. *humanus*- инсоний) одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш).

2. Кишининг ташқи кўриниши билан шуғулланадиган соҳа?

(Ҳар бир киши атрофдагиларга яхши кўринишни хоҳлайди. Айнан шу соҳа билан имижеология шуғулланади.

Имиж (инглизчадан image - қиёфа) - бу шахснинг ташқи кўркемликдир).

3. Жамиятнинг оқсуяклар, киборлар, умуман элита табақасига нисбатан қолган аҳолининг кийиниши, уй жиҳозлари, мусиқа ва бошқа соҳаларда тақлид қилишда ифодаланадиган ҳатти-ҳаракат ва хулқ атвори?

(Мода (фр.mode, лот.modus-меъёр).

4. Тасаввур қилинг, сизга тақдимот маросимида иштирок этиш учун таклифнома юборилди. Таклифномада а-ля фуршет ёзувига кўзингиз тушди. Сиз бундан нимани тушунасиз?

(А-ля фуршет французча “санқида” деган маънони англатади. Бунда меҳмонларни ясатилган стол атрофига ўтказилмайди, балки ҳар ким ўз ҳоҳишига кўра ликобча ва қадаҳни тўлдириб залда бемалол айланиб юриши мумкин).

Ибратланиш-инсон зийнати

1. Камина деган сўз нима маънода айтилади?

(Камина-мен, камтаринлик билан айтилган мен).

2. Собит характерли инсонни таърифлаб беринг?

(Собит-маҳкам, қаттиқ мустаҳкам иродали инсон).

3. Зийрак инсон таърифини келтиринг?

(Зийрак-тез фаҳмловчи, сезгир, сергак, ҳушёр, уқувли инсон).

4. Андиша сўзини изоҳлаб беринг?

(Андиша – оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритиладиган мулоҳаза).

Ҳикматлар бўстонида

1. Машҳур маърифатчи Абдулла Авлонийнинг, ёш авлод онгида инсонийлик, тўғри сўзлик, ҳалоллик, меҳнат-севарлик каби кўникмаларни шакллантиришга хизмат қиладиган таълимий-ахлоқий асарларидан бири қайси?

(Ушбу асар “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”).

2. Қозоқ халқининг улуғ файласуфи, оқин Абайнинг панд-насихатдан иборат асари қандай номланади? (*ўз ўйининг*).

(“Ушбу асар” Насихатнома” деб номланади).

3. Шарқ адабиётининг ноёб ахлоқий-тарбиявий асарларидан бўлмиш “Қобуснома” муаллифи ҳақида қисқача маълумот беринг?

(“Қобуснома” асарининг муаллифи Амир Унсурулмаолий Кайковус XI арда яшаб ўтган у табиат, адабиёт ва санъат, мусиқа илмларини чуқур эгаллаган олим бўлган).

4. Юнон файласуфи Арастунинг ахлоққа оид асари қандай номланади?

(Юнон файласуфи Арастунинг ахлоққа оид асари “Ахлоқи кабир” (Катта ахлоқ китоби) деб номланади).

Тарки одат амри маҳол

1. Ҳасад бу?

(Ҳасад – бошқа одамнинг муваффақияти, ютуқлари ва обрўси, унинг мустақил фаолияти ва ҳис-туйғуларини кўролмастик ва душманлик туйғуси).

2. Хоинлик бу?

(Хоинлик – умумий танлаган ишга, дўстликка, севги ва биродарликка содиқ қолмаслик).

3. Эгоизм бу?

(Лот. ego-мен) – ўзининг шахсий манфаатларини бошқалар манфаатларидан устун қўйиш, фақат ўзини кўзлаш).

4. Девиант хулқ атвор бу?

(Лот. deviato – оғиш) - ижтимоий нормативлар ва меъёрлардан оғиб кетувчи ҳатти-ҳаракат).

Ғалаба нашидаси

Этник стереотип тушунчасини изоҳлаб беринг?

(Этник стереотип – муайян миллатга (этнос)га хос бўлган турғун, бир маромда такрорланиб турувчи одатий, хулқ-атвор, муомала ва юриш туриши тарзидир. (гр. “stereo”-қаттиқ, “tip”-нусха).

“Одобинг-зийнатинг” номли китоб-расмли кўрғазмани ташкил этиш учун материаллар

Кўрғазма 2 ёки 3 бўлимдан иборат бўлиши мумкин.

1. Одоб нури

*Мўминларнинг имонда баркамоллари хулқи яхшиларидир
Ҳадис*

Бу бўлимдан инсонларни гўзал хулққа чақирувчи диний адабиётлар жой олади.

2. Глобаллашув...!?

*Оврупо бир кекса чолдир,
тажрибаси кўндир. Улуг ёшига хурма-
тимиз бор, тажрибасини ўрганамиз,
лекин хатоларини такрорламаймиз.
Оврупода нимани кўрсак, ёш боладек
олиб югурмаймиз...*

И.Гаспирали

Бу бўлимга ҳозирги пайтда баъзи ёшларнинг ўзбек миллатига хос бўлмаган хулқ-атвори мавзусидаги китоблар, журнал ва газета мақолалари қўйилади.

3. Адабни беадабдан ўрган.

Бу бўлимда мусаввирларнинг кишиларнинг салбий хатти-ҳаракатларини тасвирлаган карикатура расмлари намойиш этилади.

“Одобли – элда азиз” мавзусида бадий мусиқий кеча сценарийси

(Тадбир учун танланган залда одоб-ахлоқ мавзусидаги адабиётлар кўргазмаси ташкил этилади. Унга мавзуга мос адабиётлар, газета ва журнал мақолалари қўйилади).

Кечанинг бошловчилари саҳнага чиқиб келадилар.

1-бошловчи: Ассалому алайкум кечамизга ташриф буюрган азиз меҳмонлар!

2-бошловчи: Ассалому алайкум даврамиз иштирокчилари, бугунги кечамизга хуш келибсиз.

1-бошловчи: Биз бугунги кечамизни “Одобли элда азиз” деб номладик.

*Инсон азизлиги адаб туфайли,
Элда лазизлиги адаб туфайли,
Катта-ю кичикка ёқимлилиги,
Ширин тамизлиги адаб туфайли.*

2-бошловчи: Дарҳақиқат, инсонни маънавий жиҳатдан гўзал қиладиган одамийлик, меҳнатсеварлик каби сифатлар орасида ахлоқ-одоб шарти ҳам муҳим ўрин тутати.

1-бошловчи: Албатта. Келинг бугунги кечамизни очик деб эълон қилсақда ва коллежимиз талабаси ижросида дилбар бир кўшиқ тингласак. Марҳамат.

2-бошловчи: Раҳмат.

1-бошловчи: Наргиза! Шу десангиз амакимнинг катта ўғиллари Германияда ўқийди. Куни кеча улардан e-mail орқали хат олдим. Ундаги маълумотдан шуни билдимки, Германияда яшасангиз сизни меҳмонга таклиф этишса, сиз мезбонниқига бирор ҳамроҳ билан борсангиз уни меҳмон қилмасликлари оддий ҳол ҳисобланар экан.

2-бошловчи: Бўлиши мумкин. Бизнинг миллатимиз ва ғарбдаги кишиларнинг менталитети айрича. Масалан, кўпчилигимиз Ғарб фильмларини томоша қиламиз. Унда америкалик йигит ўзи креслода ўтириб, оёқларини кулдон ва ичимлик ашёлари турган столчага чалиштириб ташлаб, ором

олади ва бу унинг учун табиий ҳол ҳисобланади. Ўзбек учун эса столга ёки хонтахтага оёқ қўйиб ўтириш ўта одобсизликдир.

1-бошловчи: Келинг, шу каби тафовутлар ҳақида сўзлаб беришни Лондонда бир неча йил ўқиб, ишлаб, келгандан илтимос қилсак. Марҳамат.

2-бошловчи: Раҳмат.

1-бошловчи: Биласизларми, уч минутлик кулги ўн беш минутлик эрталабки гимнастика машқи ўрнини босар экан.

2-бошловчи: Келинг, бўлмаса маза қилиб кулишиб олиш учун навбатни кечамизга ташриф буюрган вилоятимизнинг таниқли қизиқчисига берсак. Марҳамат.

1-бошловчи: Раҳмат. Барчамиз мириқиб кулишдик. Бир неча кунлик, гимнастика машқи нормасини ҳам бажариб олдик.

2-бошловчи: Шундай деса ҳам бўлади.

1-бошловчи: Ҳикматларда айтиладики: Кишининг сўзи унинг фазлини баён қилувчи ақлига таржимондир.

*Биласанми, тилинг недур огизда,
Ақл хонасига калит доимо!
Эшик ёпиқ бўлса билиб бўлмайди,
Хона ичра девми, фариштами ё!*

2-бошловчи: Биз ҳамиша чиройли кийинишни хоҳлаймиз ва бу ташқи шаклга мойиллик, лекин маънавий оламимизда чиройли гапириш, ширин муомала ҳам инсоннинг мазмунан чиройли бўлишини таъминлайдиган омил эканини унутамиз.

1-бошловчи: Инсоннинг хулқи энг аввало нутқда кўринади, сўзлашида намоён бўлади. Ҳозирги кунда ёшларимиз орасида, кўча-кўйда, бозорда тез-тез эшитилиб турадиган “короче”, “шес секунд” каби сўзларга кулоқларимиз ўрганиб бораяпти.

2-бошловчи: Келинг, сўз учун навбатни филологга берсак. Улар бизга юкорида айтиб ўтилган салбий ҳолатлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирсалар, марҳамат.

1-бошловчи: Раҳмат. Келгуси ишларингизда омад тилаймиз.

2-бошловчи: Ҳозир навбатни коллежимиз талабаси.....га берамиз. Улар бизга дугорда ажойиб бир куй ижро этиб берадилар. Марҳамат.

1-бошловчи: Раҳмат. Мана кечамиз ҳам ўз поёнига етиб қолди. Бугунги тадбиримиз сизларга манзур бўлди, деган умиддамиз.

2-бошловчи: Умид қиламизки, кечамизда тилга олинган инсоннинг энг гўзал сифати, яъни одоб-ахлоқи мавзусидаги тадбиримиз сўнгги учрашувимиз эмас. Сизлар билан яна бошқа шу каби тадбирларда кўришгунча хайр, деб қоламиз.

Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Китобхонлар конференцияси

1. Кўнгил Каъбадан улуғ.
2. Ахлоқ ва руҳият.
3. Шарқ ва Ғарб.
4. Шахс ва ижтимоий ахлоқ.

Мавзули кеча

1. Ширин сўз шакардан ширин.
2. Ранг кўр ҳол сўр.
3. Ақл билан адаб-эғизак.
4. Йўловчи одоби.

Давра суҳбати

1. Қора кўнгил-яра кўнгил.
2. Ҳаё ҳалоскор.
3. Қилич кесолмагани сўз кесади.
4. Парилардан ўзинг гўзал (қизлар учун).

Мунозара кечаси

1. Сериаллар нимага ўргатяпти?
2. Тарбия тақани тўғрилайди.
3. Ҳаё кетди – бало етди.
4. Ҳусн хулқи билан чиройли.

Бадий мусиқий кеча

1. Одобдан фалак нур олар.
2. Нафосат чироғи.
3. Одоби-элда азиз.
4. Муваффақият формуласи.

Қатнашувчилар: Республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги вакиллари, Республика “Оила” илмий-амалий маркази психологлари, педагоглар, социологлар, файласуфлар, филологлар, ёзувчилар, шоирлар, дин вакиллари, журналистлар, этнографлар, гўзаллик салони ходимлари, модельерлар, имиджмейкерлар ва кенг китобхонлар оммаси.

Адабиётлар

Абдураимова С. Мен ва Биз /Этика муаммоларига замонавий қараш.-Т.: Янги аср авлоди, 2005.-51 б.

Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим.-Т.: Мовароуннахр, 2004.-707 б.

Avloniy Abdulla. Turkiy guliston yoxud axloq: Ibratli hikoyalar.-Т.: O`zbekiston Milliy ensiklopediyasi, 2004.-96 б.

Алиқулов Ҳ. Шарқ мутафаккирлари ахлоқ ҳақида /Масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев.-Т.: Фан, 1979.-48 б.

Гулханий. Зарбулмасал /Нашрга тайёрловчи ва сўз боши Ф.Исҳоқов.-Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1974.-80 б.

Инсон кўрки одоб /Тўпловчи ва тарж. А. Абдужабборов Ўзбекистон Респ. Вазирлар Маҳкамаси Тошкент ислом ун-ти. - Т.: Тошкет ислом университети, 2004.-112 б.

Маданият //Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 5-жилд, Конимех-Мирзоқуш /Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Т.Даминов, Т. Долимов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003.-Б. 372-373.

Маънолар маҳзани /Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов. - Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001.-448 б.

Муваффақият калити. Этикет: Тўплам /Тузувчи М. Йўлдошева.-Т.: Янги аср авлоди, 2004.-64 б.

Нурмухамедов Р., Юнусов И. Маънавият, этика ва эстетика тарбияси: Хулқ-атвор ва нутқ маданияти, тиббий ахлоқ ва деантология.-Т.: Ибн Сино нашр., 2000.-72 б.

Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони /Араб, форс, турк, татар ва озарбайжон тилидан Махмуд Ҳасаний тарж.-Т.: Фан, 1994.-216 б.

Рудакий. Тоҳир бобо шеърятидан /Ш.Шомухамедов тарж.-Т.: Шарқ, 1994.-144 б.

Собиров Фозил қори. Ҳалол ва ҳаром: Ибратли ҳикоятлар ва шеърлар.-Т.: Мовароуннахр, 2001.-76 б.

Содиқова Т. Яшаш тилсими: Эссе.-Т.: Ғафур Ғулом ном. нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004.-192 б.

Тўлаганова Т. Адаб дурдоналари ва ахлоқ.-Т.: Ёзувчи, 1999.-24 б.

Фозил қори Ёсин ўғли: Қалблар шифоси. Сиздан хусни одоб мерос қолсин /Масъул муҳаррир Р.Раҳмонов.-Т.: Мовароуннаҳр, 2000.-255 б.

Холбеков А., Идиоров У. Социология :Изоҳли луғат-маълумотнома /Масъул муҳаррир М.Бекмуродов. -Т.: Ибн Сино нашр., 1999.-167 б.

Чжан Чен. Муваффақиятга элтувчи муомала санъати /Тарж. З.Гадоев.-Т.: Янги аср авлоди, 2006.-23 б.

Шер Абдулла. Ахлоқшунослик: бакалаврлар учун кўлл.-Т.: ЎАЖ БНТ, 2003.-256 б.

Эстетика. Этика //Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 10-жилд, Шарқ-Қизилқум /Таҳрир хайъати: А.Азизхўжаев, Б.Алимов, М.Аминов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2005.-Б. 269-270, 278-279.

Қошғарий Муҳаммад Содик. Яхши кишилар одоби (Одоб-ас-солиҳин).-Т.: Янги аср авлоди, 2002.-48 б.

Қурбонов Ш. Овқатланиш маданияти.-Т.: Маънавият, 2005.-208 б.

Ҳақиқат манзаралари 96 мумтоз файласуф: тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар /Тўпловчи ва тарж.. С. Жўраева.-Т.: Янги аср авлоди, 2002.-371 б.

* * *

Абдуллаева Қ. Қизларнинг латофати нимада? //Тошкент оқшоми.-2000.-3 март.

Али Муҳаммад. Маданият нима? //Туркистон.-2003.-26 апр.

Бекмирзаев Н. Сув онаси булоқ, сўз онаси қулоқ //Муштум.-2006.-№2.-Б.4.

Жабборов Р. Суянчиққа битилган “изҳор” сиз бунга нима дейсиз? //Қишлоқ ҳаёти.-2002.-20 июнь.

Жамилова Г. Бир жилмайиб кўйинг... //Қишлоқ ҳаёти.-2000.-30 май.

Жонихонов М. Буюк оқин пандномаси //Халқ сўзи.-2006.-16 дек.

Жуманиязов А. “Ассалому алайкум!” ибораси тавсифи //Илм сарчашмалари.-2003.-№ 4.-Б.100-101.

Зайнутдинова А. Одобинг – зийнатинг //Тошкент оқшоми.-2003.-10 янв.

Иброҳимов А. Миллатнинг қиёфаси //Халқ сўзи.-2004.-9 июль.

Исамухамедов З. Муомала маданияти //Халқ сўзи.-2004.-21 июль.

Иқбол Хумоюн. Меҳмон ҳам, мезбон ҳам ўзлари... //Науот.-2005.-1 дек.

Йўлдошева С. Меҳмондорчилик одоби //Қишлоқ ҳаёти.-1999.-16 июль.

Каримов А. Йўловчи одоби //Қишлоқ ҳаёти.-2000.-30 март.

Каримов М. Одобдан фалак нур олади //Тошкент оқшоми.-2003.-29 дек.

Каримова В. Акшеология ёхуд оқилалик //Халқ сўзи.-2002.-23 янв.

Каромов И. Тарбиянинг тамал тоши //Ишонч.-2005.-20 дек.

Кудинов А. Маданият ва ахлоқ //Инсон ва демократия.-1993.-№ 1.-Б.31-36.

Маҳкамов Ф. Ширин калом истар кўнгил: Мулоҳаза //Қишлоқ ҳаёти.-2002.-6 авг.

Мирзаева С. Боболардан қолган ўғитлар //Фан ва турмуш.-2000.-№5.-Б.30.

Мусахўжаев С. Инсондаги улуғ фазилат нима //Тошкент оқшоми.-2002.-27 май.

Мухторжон Каримжон ўғли. Кечириш фазилат //Ҳидоят.-2001.-№12.-Б.19.

Муҳамедов С. Гўзаллик нимада? Атиги юз сатр //Қишлоқ ҳаёти.-2002.-12 апр.

Нишонова З. Ранг кўр, хол сўр //Фан ва турмуш.-2000.-№1.-Б.24-26.

Норматов И. Саломлашиш саодати //Ишонч.-2005.-6 дек.

Нурбой Абдулҳаким. Қалб ҳақиқати //Тафаккур.-2006.-№2.-Б.20-21.

Нурмуҳаммад Баҳодир. Нега мактанамиз?: Мулоҳаза //Ҳидоят.-2002.-№2.-Б.6.

Омондилаева С. Ахлоқ нима, одоб нима? //Холис.-2006.-5 окт.

Орипова М. Гўзаллик талқинлари //Санам.-2002.-№2.-Б.9.

Отажонов М. Тортинчоқлик фазилат эмас! //Жамият ва бошқарув.-2001.-№2.-Б.71-72.

Охунова М. Қабр //Холис.-2005.-24 февр.

Собиров Қ. “Пиёлага эгилар чойнак” //Қишлоқ ҳаёти.-2002.-1 окт.

Тошбоев О. Глобаллашув ва миллий маданият //Тафаккур.-2006.-№1.-Б.20-23.

Тоғаев Ш. Ўзбекчилик: талқин ва тадқиқот //Тафаккур.-2002.-№3.-Б.106-107.

Тўлабоев Қ. Яхши сўз-жон озиғи //Қишлоқ ҳаёти.-2000.-18 июль.

Улуғов А. Тил тилсими ёки сўз сири //Тафаккур.-2006.-№1.-Б.42-47.

Умарбеков А. Ўйнаб гапирсанг ҳам...: лафз //Қишлоқ ҳаёти.-2000.-14 нояб.

Файзиева С. Лутф – карам эшиги //Оила шифокори.-2005.-1 дек.

Холмуродова Ф. Сўз боши – салом //Фан ва турмуш.-
1998.-№5-Б.27.

Худойбердиев И. Ёшлар тарбиясида психологик
омиллар //Мулоқот.- 2004.-№5.-Б.18-19.

Эгамшукурова О. Этник стереотип //Тафаккур.-2005.-
№3.-Б.122.

Эшонкулов А. Инсон фазилати билан улуғ
//Мулоқот.-1998.-№2.-Б.30-32.

Юнусова С. Миллий либос ва миллий қиёфа
//Мулоқот.-2004.-№ 4.-Б.31-33.

Қаҳҳорова М., Йўлдошева С. Миллий шарқона одоб –
давр тақозоси //Саховат.-2000.-№ 4.-Б.33.

Қувватов Р. Ширин сўз – жон озиғи //Соғлом авлод.-
2004.-25-31 март.

Ғаниева Э. Ўсмирликда муомала сирлари //Фан ва
турмуш.-№ 2.-Б.20.

Ғуломов Э. Каломинг аввали //Маҳалла.-2004.-4 февр.

Ҳожиёв О. Айри тили одам: Сиз бунга нима дейсиз?
//Қишлоқ ҳаёти.-2002.-14 июнь.

Мундарижа

Сўз боши	3
“Ассалому алайкум!”	4
Одоб-ахлоқнинг баъзи масалалари	9
Дастурхон атрофида ўзини тутиш қоидалари	16
Кундалик турмуш тарзи қоидалари	17
Ғарб файласуфлари одоб-ахлоқ ҳақида	19
Ислом одоб ҳақида	21
Шарқ назокатни талаб қилади	23
Ўн олти адаб	25
“Одобдан фалак нур олар” номли викторина	27
Китоб-расмли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар	33
Бадий мусиқий кеча сценарийси	34
Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми	37
Адабиётлар	38

Босишга рухсат этилди 2007 йил 1 Март
Бичими 60x84 ¹/₁₆ нашр. т. 2,75 Адади 300 нусха.
Буюртма №

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп этилди